



## STATE SOCIAL WORK PRACTICE IN ENSURING VOCATIONAL EMPLOYMENT OF SCHOOL GRADUATES IN UZBEKISTAN

**M. Abdurakhmanova**

*Assistant professor*

*Fergana State University*

*Fergana, Uzbekistan*

**F. Madalieva**

*master's student*

*Fergana State University*

*Fergana, Uzbekistan*

**F. Egamberdiyev**

*student*

*Tashkent State Law University*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** social employment, knowledge, profession.

protection, innovation,

**Abstract:** Most of the young people become members of such organizations because there are more opportunities to solve problems in any area of society in non-governmental non-profit organizations. If entry into professional activity in the government structures of the state requires young people to develop experience, knowledge and skills over a certain period of time, such experience is not required to become a member of public associations, but only interest is enough to become a member of them.

### ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБ БИТИРУВЧИ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КАСБ-ХУНАР БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙИЙ ИШ АМАЛИЁТИ

**M. Абдурахмонова**

*Доцент*

*Фарғона давлат университети*

*Фарғона, Ўзбекистон*

**Ф. Мадалиева**

*магистрант*

*Фаргона давлат университети  
Фаргона, Ўзбекистон*

**Ф. Эгамбердиев**  
талаба  
*Тошкент давлат юридик университети  
Тошкент, Ўзбекистон*

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ижтимоий ҳимоя,  
бандлик, билим, инновация, касб-хунар.

**Аннотация:** Жамиятнинг бирон-бир соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш имконияти кўпроқ нодавлат нотижорат ташкилотларида мавжуд бўлганлиги туфайли кўпчилик ёшлар шу каби ташкилотларга аъзо бўлиб киришади. Давлатнинг бошқарув тузилмаларида профессионал фаолиятга кириш ёшлардан маълум бир вақт ичидаги шаклланадиган тажриба, билим ва кўникмаларни талаб қилса, жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиб кириш учун бу каби тажриба талаб этилмайди, балки уларга аъзо бўлиш учун фақат қизиқишининг ўзи етарлидир.

## ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПРАКТИКА СОЦИАЛЬНОЙ РАБОТЫ ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ТРУДОУСТРОЙСТВА ВЫПУСКНИКОВ ШКОЛ В УЗБЕКИСТАНЕ

**M. Абдурахманова**  
Доцент  
*Ферганский государственный университет  
Фергана, Узбекистан*

**Ф. Мадалиева**  
магистрант  
*Ферганский государственный университет  
Фергана, Узбекистан*

**Ф. Эгамбердиев**  
студент  
*Ташкентский государственный юридический университет  
Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** социальная защита, занятость, знания, инновации, профессия.

**Аннотация:** в связи с тем, что в некоммерческих организациях больше возможностей для преодоления проблем в любой сфере жизни общества, большинство молодых людей становятся членами подобных организаций. Вступление в профессиональную деятельность в

структурах управления государством требует опыта, знаний и навыков, которые формируются у молодых людей в течение определенного периода времени, для того, чтобы стать членом общественных объединений, такой опыт не требуется, но достаточно просто быть заинтересованным в присоединении к ним.

## KIRISH

Бугунги кунда ёшлар бандлиги - бу давлат аҳамиятга молик масала бўлиб, чунки айнан ёшлар мамлакат кадрлар салоҳиятини ташкил қиласди. Ўзбекистонда мактаб битиувчилари бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Битиувчилар мактабни тамомлаб, олий ўкув юртида ўқиши ёки касб-хунар эгаллаб, бирор юмуш билан банд бўлиши, бекор қолмаслиги керак. Бу нафакат ёшлар бандлигини таъминлашга, балки мустақил даромад ҳамда ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ПФ-5712-сонли фармонида белгиланган вазифалардан бири келажакда мамлакатда мавжуд бўлган ва янги меҳнат шаклларини ривожлантириш, таълим муассасалари битиувчилари ва ёшларнинг замонавий касб-хунар эгалашлари учун шароитлар яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ҳар томонлама етук малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш мақсад қилинган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг очиқлиги ва сифати масалаларига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда халқ таълими тизими умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни ўз ичига олади. 2019 йил 1 апрель ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида 9 691 та умумтаълим мактаблари (жумладан, айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган 350 та давлат ихтисослаштирилган муассасалари) мавжуд. Умумтаълим мактабларидаги умумий ўқувчилар сони 5,8 миллионни ташкил қиласди. Шунингдек, 86 та нодавлат таълим муассасасида 13,8 минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олади. Болаларнинг ижодий қобилияти ва иқтидорини ривожлантириш имкони яратилган мактабдан ташқари таълим муассасалари («Баркамол авлод» марказлари) фаолияти йўлга қўйилган. «Баркамол авлод» марказларида 5 540 та тўғарақ ташкил этилган ва уларга 143 минг нафарга яқин болалар қамраб олинган. Республикаизда умумий ўрта таълим тизимида бошланғич касб-хунар таълими жорий этилган бўлиб, 51 турдаги ишчи касблар бўйича касб-хунар коллежлари

ҳамда умумтаълим мактабларида 1 748 та ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари ташкил этилган. Халқ таълими тизимида жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун 86 та ихтисослаштирилган мактаб ва 21 та мактаб-интернат мавжуд бўлиб, уларда 20 610 нафар бола таълим олмоқда. Шунингдек, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган ва узоқ муддатли даволанишга муҳтоҷ 13 437 нафар болалар уйда таълим олмоқда. Алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтоҷ болаларнинг таълими 2 та ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасида амалга оширилмоқда. 19 та Мехрибонлик уйи ва 3 та болалар шаҳарчасида 2 577 нафар етим ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тарбияланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда масофавий меҳнат шаклларини ривожлантириш, таълим муассасалари битирувчилари ва ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаллашлари учун шароитлар яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ҳар томонлама етук малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш мақсад қилинганд. Шунинг учун ҳам президентимиз томонидан “Ўқувчи-ёшларни касб-хунарга тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори лойихаси эълон қилиниб, ушбу лойихада Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчи ёшларни касб-хунарга тайёрлашнинг янги тизимини жорий этиш орқали амалга оширилади.

### **Қуйидагилар янги тизимни амалга оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланади:**

- ✓ ички ва халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош касбларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва зарур малакавий кўникмаларни белгилаш;
- ✓ умумий ўрта таълим муассасалари мутахассислари томонидан ўқувчиларни 7-синфдан бошлаб касб-хунар эгаллаш ва Интернет тармоғи орқали хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) йўли билан ўзини ўзи банд қилиш йўналишларига қизиқишиларини аниқлаш ва бундай ўқувчиларнинг маълумотлари базасини яратиш;
- ✓ касб-хунар эгаллаш ва фрилансингга қизиқиши юқори бўлган ўқувчилар маълумотлари базасини умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари бандлиги электрон базаси билан интеграция қилиш, онлайн мониторинг олиб борувчи ахборот тизимини яратиш;
- ✓ умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг касбий майиллиги бўйича ўтказилган таҳлиллар асосида 9-синфдан сўнг келгусида аниқ ишчи касблар бўйича касб-

хунар мактабларида таълим олиши мумкин бўлган ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ишларини олиб бориш;

- ✓ Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида кам таъминланган оиласалар фарзандлари бўлган 10-синф ўқувчиларига уларнинг қонуний вакили розилиги асосида касб-хунар ва фрилансингга ўргатувчи барча давлат ва нодавлат ташкилотларда ўқиш харажатларини қопловчи хужжатлар (ваучерлар) бериш;
- ✓ битирувчилар учун тегишли касблар бўйича ўқув режа ва дастурлар, амалиётлар ўташ тартиби, ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ✓ умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш ишларини самарали шаклларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ✓ умумий ўрта таълим муассасаларининг 10–11-синф ўқувчиларига танлов фанлари йўналишидаги (вариатив) ўқув режа асосида касб-хунарга йўналтириш;
- ✓ манфаатдор вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда касб-хунар йўналишлари бўйича сертификатга эга умумий ўрта таълим муассасаларининг 11-синф битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш;
- ✓ республика таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда илғор хорижий тажриба асосида умумий ўрта таълим муассасалари битирувчи синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтирувчи ва ўргатувчи мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш.

**Белгиланишича, иш берувчилар ва ишга жойлашган ўқувчиларга қуйидаги солиқлар миқдорлари 50 фоизга камайтирилади:**

касб-хунар сертификатига эга бўлган ўқувчилар ишга жойлашгандан биринчи йилда иш ҳақи кўринишида олган даромадлари учун – жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

касб-хунар сертификатига эга бўлган ўқувчиларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектлари учун уч йил муддатга ушбу битирувчилар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатларидан олинадиган ижтимоий солиқ миқдори.

Халқ таълими вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Наманган вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда тажриба-синов тариқасида 2 та умумий ўрта таълим муассасаларининг фойдаланилмаётган ҳудудида мактаб битирувчилари учун Касбга тайёрлаш намунавий марказларини ташкил қиласди.

Бунда, мазкур марказлар тегишли мактаб битирувчиларини келажак касб-хунарларига ўргатиш учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилиши Ёшлар ишлари агентлигининг ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлари ҳисобига амалга оширилиши белгиланади.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятти учун фуқаровийлик, фуқаровий онг ва фуқаровий фаоллик ўта муҳим аҳамият касб этади. Таракқиёт сари интилган ҳар қандай жамият учун инсон салоҳиятидан самарали фойдаланиш, инсоннинг ўзлигига, унинг қалбидаги табиий равишда мавжуд бўладиган ўзаро бирдамлик, саҳийлик, бағрикенглик каби кадриятларга доимо зарурат сезади ва уларни намоён бўлиши тадорикларини кўриб боради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдурахмонова, М. М. (2020). Ижтимоий иш касбий фаолиятининг мактабга йўналтирилган соҳасини ривожланишида жаҳон амалиёти тажрибалари. *Журнал Социальных Исследований*, 3(6).
2. Матмусаева, М. А. (2016). ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ХАРАКТЕРИ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 9, pp. 127-128). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
3. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. Chief Editor.
4. Abdurahmonova, M. (2020). World practical experience of developing a school-oriented sphere of professional activity of social work. *Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems*, 12(6), 1181-1186.
5. Абдурахмонова, М. М. (2021). ТЕОРИИ МЕЖСЕКТОРАЛЬНЫХ ПОДХОДОВ К ЗАЩИТЕ ДЕТЕЙ. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.
6. Абдурахмонова, М. М. (2021). НЕОБХОДИМОСТЬ ИЗУЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОГО МНЕНИЯ ДЛЯ ПРИНЯТИЯ ЭФФЕКТИВНЫХ РЕШЕНИЙ В ШКОЛЕ. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.
7. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). УЗБЕКСКАЯ МОДЕЛЬ РАЗВИТИЯ МАЛОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. *Ученый XXI века*, 62.
8. Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). EFFICIENCY OF MANAGEMENT OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS IN THE PREPARATION OF QUALIFIED PERSONNEL. *Человек. Наука. Социум*, (2), 8-27.

9. Абдурахмонова, М. М. (2021). МАКТАБЛАРДА САМАРАЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ УЧУН ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ЗАРУРИЯТИ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).
10. Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. *Мировая наука*, (12), 56-59.
11. Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). UZBEK MODEL OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT. *Учёный XXI века*, (3-4 (16)), 58-63.
12. Madaliyeva, F., & Abduraxmonova, M. (2021). O 'ZBEKISTONDA MAKTAB BITIRUVCHI O 'QUVCHILARINI KASB-HUNAR BILAN TA'MINLASHDA IJTIMOIY ISH AMALIYOTI. *Студенческий вестник*, (8-3), 94-95.
13. Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O'ZBEKISTONDA PENSIYA TA'MINOTI TIZIMINI SHAKLLANTIRISHNING MUHIM JIHATLARI. *Интернаука*, (7-2), 91-93.
14. Sharipova, K., & Abduraxmonova, M. (2021). O 'ZBEKISTON MAKTABLARIDA MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHISI BO 'LGAN O 'QUVCHILAR BILAN IJTIMOIY ISH AMALIYOTI ISTIQBOLLARI. *Студенческий вестник*, (8-3), 82-83.
15. Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). ROLE OF ETHICAL CULTURE IN PREVENTING VIOLENCE AMONG SPUPILS. *Интернаука*, (11-2), 50-51.
16. Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.
17. Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.
18. Ergashevna, K. M. (2021). Factors for improving the quality of education in primary schools of non-state educational institutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 792-796.
19. Khallokova, M. E. (2018). Important Aspects of Establishing Non-State Educational Institutions. *Eastern European Scientific Journal*, (2).
20. Матмусаева, М. А. (2017). Оилада болаларни меҳнатга ўргатиш. *Молодой ученый*, (4-2), 23-24.

21. Матмусаева, М. А. (2016). ТАЛАБАЛАР ПОРТФОЛИОЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ШАРОИТЛАРИ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 9, pp. 129-131). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
22. Sobirjonovich, S. I. (2021). Speech Education for Children from 1 To 3 Years of Age. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, 1(7), 135-141.
23. Sobirjonovich, S. I. (2021). Didactic Interaction as Whole Integral Education. *International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences*, 1(7), 80-83.
24. Soliyev Ilhomjon Sobirjonovich. (2022). Child Thinking and Problem Solving. *EUROPEAN MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF MODERN SCIENCE*, (4) 111-115.
25. Soliyev Ilhomjon Sobirjonovich. (2022). Features of the Development of Social Intelligence in Preschool Children. *EUROPEAN MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF MODERN SCIENCE*, (6) 83-87.
26. Karimov, N. (2022). IMPORTANCE OF STUDYING AND PROMOTING ORIENTAL CULTURE AND HERITAGE. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.
27. Karimov, N. (2022). THE CENTRAL ASIAN RENAISSANCE OF THE IX-XII CENTURIES IN THE EYES OF FOREIGN RESEARCHERS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 2(03), 28-45.
28. Soliyev Ilhomjon Sobirjonovich. (2022). The Concept of Connected Speech and its Significance for the Development of Preschool Children. *Spanish Journal of Innovation and INTEGRITY*. 05. 518-523.